

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ
БИЛАН ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКАНИ АМАЛГА ОШИРИШ
ФАОЛИЯТИ**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-босқич 311-гуруҳ курсанти
Урынбаев Абдибек Каржаубай улы

Аннотация: Ушбу мақола профилактика инспекторларининг ёшлар етакчиси билан ижтимоий профилактикани амалга ошириш фаолиятининг асосий йўналишлари тушунчаси, мазмуни ва моҳияти, ташкил этишининг мақсад ва вазифалари, амалиётда ҳозирги кундаги аҳволи ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги ҳамда маҳалла еттилиги билан ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлашни ташкил этилишини ва ушбу фаолиятини такомиллаштиришга ёлтириш учун муаммо ва таклифлар ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, маҳалла еттилиги, ёшлар етакчиси ҳамкорлик, ҳуқуқий таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар, ижтимоий профилактика

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорига асосан мактаблардаги ёшлар етакчилари штат бирликлари қисқартирилиб, унинг ўрнига республикадаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Хусусан:

Маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 127 моддасига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларга қонунда бэлгиланган ваколатларини амалга оширишда кўмаклашиш мақсадида:

Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг:

Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашларини шакллантириш;

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасини (кейинги ўринларда – Уюшма), унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларини ташкил этиш;

Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида 5 та штат бирлигидан иборат бўлган «Маҳалла еттилиги» фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўлимини ташкил этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Уюшманинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар бэлгилансин:

маҳалланинг халқ билан давлат ўртасидаги «кўприк» вазифасини амалга оширувчи мустақил ва халқчил тузилмага айланишига кўмаклаши

«маҳалла еттилиги» томонидан маҳалланинг ички ресурсларини аниқлаш ҳамда уларни ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этишда кўмаклашиш

маҳаллаларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш, уларга ажратиладиган маблағларни марказлашган тарзда тақсимлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш

маҳалланинг молиявий имкониятларини ошириш, камбағал оилаларга ажратиладиган бюджет маблағлари ва бошқа маблағларнинг мақсадли ва манзилли йўналтирилишини таъминлаш ва бошқа вазифалар юкланди.

маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш ҳамда соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида:

маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори жамоатчилик асосида фаолият юритадиган «маҳалла еттилиги»ни ташкил қилинди.

Ҳукуматнинг тегишли қарори лойиҳаси билан қатор вазирлик ва идораларнинг маҳалла раиси, профилактика (катта) инспектори, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаолига маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш борасида ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ижтимоий профилактика чораларини қўллаш ваколатини бэриш тўғрисидаги таклифлари маъқулланиши мумкин.

Қайд этилишича, айти пайтда жамоат хавфсизлиги соҳасини рақамлаштиришда инсон омилини минималлаштириш мақсадида ички ишлар органлари томонидан ижтимоий профилактика тизимини назарда тутувчи «Э-ижтимоий профилактика» ахборот тизими фаолияти йўлга қўйилган.

Ҳукумат қарори лойиҳасида «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизимини такомиллаштириш орқали хавфсиз муҳитни яратиш бўйича қатор чора-тадбирлар бэлгиланмоқда.

Жумладан, аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан қафолатли ҳимоя қилиш ҳамда оилада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактикани амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланади.

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактикани амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш мақсадида ички ишлар органи таянч пункти (ҳуқуқ-тартибот маскани) профилактика (катта) инспектори, маҳалла раиси, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси, маҳалладаги хотин-қизлар фаоли

ва маҳалладаги ёшлар етакчисининг ҳуқуқбузарлик содир этиш

ва ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ижтимоий профилактика чораларини қўллаш бўйича кунлик якка тартибда манзилли ишлаш тартибини жорий этадилар.

Шунингдек, ижтимоий ходим, солиқ инспектори, бандлик ходими, инспектор-психолог, тиббиёт ходими, имом-хатиб ва отинойи, мактаб директори ҳамда мактаб психологлари томонидан ижтимоий профилактика чора-тадбирларини ўтказилишида ижтимоий профилактикани амалга оширувчи субъектларга кўмаклашиши бэлгиланади.

Ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар ажратиб олиниб, улар билан ижтимоий профилактика чора-тадбирларини амалга оширишда маҳалла миқёсида профилактика инспектори томонидан маҳалла раисининг умумий бошқаруви остида амалга ошириладиган ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби амалиётга татбиқ этилади.

Ушбу фаолиятни замонавий ахборот-технологияларини қўллаган ҳолда «Э-ижтимоий профилактика» ахборот тизими орқали амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Таъкидланишича, ушбу лойиҳанинг қабул қилиниши келгусида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга, ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини манзилли ҳал этиш, уларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик, иқтисодий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга ҳуқуқий асос яратади.

Шу билан бирга, ушбу лойиҳа аҳолини «хонадонбай» ва «фуқаробай» асосида ўрганиш орқали профилактика инспектори, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчисининг фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда кундалик ва манзилли амалга оширишга хизмат қилади

Профилактика инспектори ва Ёшлар етакчиси иштирокида ижтимоий профилактикани амалга оширишда қуйдагилар асосий вазифалар этиб бэлгиланди

профилактика инспектори маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашишга;

Маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, жумладан уларни «Бэш ташаббус олимпиадаси»да иштирок этишга жалб этиш.

(Ҳар ойда камида 20 нафар ёшларни спорт, мусиқа ва фан тўғаракларига жалб этади.

Ҳафтада бир маротаба спорт мусобақалари, мусиқа ва рақс танловларини ташкил этади).

Ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари бандлигига кўмаклашиш, жумладан «Ёшлар бандлиги дастури»ни маҳаллада амалга ошириш.

(Маҳаллада ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчиларининг рўйхатини шакллантиради ва ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда уларнинг бандлигини таъминлайди.

Ҳар ойда бир маротаба мактабнинг битирувчи синф ўқувчилари билан учрашиб, олий таълим муассасаси ва мутахассислик йўналишини танлаш ҳамда кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўришга ёрдам беради).

Давлат кўмагига муҳтож «оғир» тоифадаги ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш.

(Маҳаллада «оғир» тоифадаги ёшларнинг яшаш манзили ва иш жойига ҳар ойда камида бир маротаба бориб, бириктирилган раҳбарлар билан биргаликда ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашади).

Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан, шунингдэк, профилактика инспектори билан биргаликда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган вояга етмаганлар билан тизимли ишлаш.

(Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар ва вояга етмаганларни ҳар бири билан индивидуал ишлайди).

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, жумладан ёшларга кўрсатиладиган 30 та ёрдам турларидан самарали фойдаланиш.

(Ҳар чоракда бир маротаба ёрдам кўрсатилган ёшларнинг уйига бориб, лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашади).

Хориждаги ватандош ёшлар билан ишлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш.

(Ҳар ойда камида бир маротаба хориждаги ёш ватандошлар билан мулоқот қилиш орқали уларнинг фаолиятини ўрганади ҳамда Ватанга қайтиб фаолиятини юритиши учун «маҳалла еттилиги» билан зарур чораларни кўради).

Иқтидорли ёшларни излаб топиш, истеъдодини рўёбга чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш.

(Ҳар ойда камида 1 нафар иқтидорли ёшларни аниқлайди, истеъдодини рўёбга чиқариш бўйича улар билан индивидуал ишлайди, мавжуд ёрдам турлари орқали уларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўради).

Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, жумладан ёшлар етакчисининг ўзи ҳар ойда камида 1 та китоб мутолаа қилиш орқали шахсий намуна кўрсатиши.

(Ҳар чоракда камида бир маротаба маънавият, маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирларни жалб қилган ҳолда ёшлар ўртасида китобхонликка оид тадбирларни ташкил этади).

Шахсий ривожланиш мақсадида, жумладан «Ибрат фарзандлари» лойиҳаси доирасида камида 1 та хорижий тилни мукамал ўрганиш.

(Маҳалла ёшларини хорижий тилларни ўрганишга доимий қизиқтириб боради)

Бу вазифалардан кўзланган мақсад эса ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш уларга барҳам бериш вақтинча ишсиз ёшларга ижтимоий ёрдамлар бериш, уларни қийнабкелаётган муаммолар бўйича зарур чора тадбирлани амалга ошириш ва уларга бу муаммолар юзасидан ёрдамлар кўрсатишдир. Буларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 дэкабр кунидаги Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПҚ-402-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2023 йил 21 дэкабр кунидаги Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида ПФ-209-сон фармони Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2022 йил 19 январ кунидаги Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-92-сон қарори қабул қилинди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки Ёшлар – ижтимоий-сиёсий маконда муҳим куч, уларни қўллаб-қувватлаш мамлакатнинг эртанги куни фаровон бўлишига хизмат қилади. Ёшлар етакчилари тизими йўлга қўйилгани ёшларнинг мурожаатларини маҳалланинг ўзида ҳал этиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш имконини бэрмоқда. “Ёшлар баланси”, “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига маҳалладаги ҳар бир ёшнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда саломатлик ҳолати юзасидан маълумотлар доимий киритилиши имкони яратилганлиги ёшларни қийнаётган саволларга жавоб топишни янада енгиллаштирди. Ёшлар қанчалик билимли, касбли ва ҳунарли бўлса, мамлакат иқтисодиёти шунча тараққий этади. Бу борада етакчилар ёшларга яқин дўст, маслаҳатгўй ва кўмакдош бўлмоқда. Ёшларнинг сирини, юриш-туришини маҳалладаги ёшлар яхшироқ билади. Қайси маҳаллада ёшлар етакчиси ўз номи билан етакчи бўлса, бошқаларни ўз ортидан эргаштира олса, ўша маҳаллада нохуш ҳолатлар кам бўлади, ўша ҳудуд фаровон, ёшлари эса бахтлироқ бўлади.